

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ БУХОРО ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ
БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ**

БОЗОРОВА РЎЗИГУЛ ШАРОФОВНА

**ОИЛАДА МЕҲРИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА
СИНГДИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 130.2.17.022.1

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Бозорова Рўзигул Шарофовна

Оилада меҳрни умуминсоний қадриятлар асосида сингдиришнинг
ижтимоий-фалсафий масалалари.....5

Бозорова Рузигул Шарофовна

Социально-философские вопросы формирования милосердия
в семье на основе общечеловеческих ценностей.....23

Bozorova Ruzigul Sharofovna

Socio-philosophical issues of including kindness in family on the basis of
universal values. 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ БУХОРО ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ
БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВА РЎЗИГУЛ ШАРОФОВНА

ОИЛАДА МЕҲРИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА
СИНГДИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Fal319 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хусейнова Абира Амановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Назаров Қиёмиддин Нормерзоевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров Исмоил Саифназарович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил “26” май соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65)221-29-14; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz Бухоро давлат университети кичик мажлислар зали, 2-қават, 201-хона).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 130 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65)221-29-14; факс: (65)221-29-14.)

Диссертация автореферати 2022 йил “11” май кунни тарқатилди.
(2022 йил “11” май даги 5 рақамли реестр баённомаси.)



Наврўзова Г.Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А.З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Саломова Х.Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқлари маънавий, ахлоқий қиёфаси ва тафаккурининг шаклланишида меҳр тушунчаси умуминсоний қадрият ва руҳий камолотга етакловчи гўзал туйғу сифатида улуғланган. Энг муқаддас инсоний ришталарни боғловчи, жамиятнинг кичик ячейкаси ҳисобланган оилада меҳрни умумбашарий қадрият сифатида сингдиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. Зеро, оила жамиятнинг энг муҳим бўғини, инсон наслининг давомийлигини таъминловчи, жамият маънавий муҳитини белгилаб берувчи институт сифатида меҳр туйғусининг бешиги бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Меҳр тушунчасининг ахлоқий, гносеологик, праксиологик, аксиологик жиҳатларини тадқиқ этиш, уни шахс маънавий-ахлоқий фазилатларининг муҳим омили сифатида ижтимоий муносабатларни барқарорлаштиришдаги аҳамиятини илмий ёндашувлар асосида ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида умуминсоний қадриятларни замонавий қарашлар асосида илмий, фалсафий манбалар ва тадқиқотларда келтирилган меҳр тушунчасининг генезиси, ижтимоий, маънавий, маданий, ворисийлик, фалсафий кўринишлари ва унинг гуманистик жиҳатлари тадқиқ этилмоқда. Бугунги кунда содир бўлаётган глобаллашув, интеграция дунё халқларини бир-бирига яқинлаштириш билан бир қаторда узоклаштирмоқда. Меҳр ва меҳрлилик тушунчалари умуминсоний қадрият сифатида инсонларни бир-бирини англаши, барқарор муносабатларни вужудга келтириши учун муҳим омил сифатида хизмат қила олади. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий тараққиётни амалга оширишда маънавий омиллар аҳамияти моддий омилларникидан кам бўлмаган ҳолда муаммоларни бартараф қилишда қадриятлар уйғунлигини таъминлаш заруратини келтириб чиқармоқда.

Мамлакатимизда ислохотларнинг негизи бўлган халқ билан мулоқот орқали ижтимоий меъёрларга фуқароларнинг мослашиши ва кўникма ҳосил қилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Янги Ўзбекистон - катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, мададга муҳтож инсонлар ва оилаларга чинакам кўмак ва ёрдам бериш, меҳр-оқибат кўрсатиш ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётган ижтимоий макондир”¹. Ижтимоий ҳаётда юз бераётган ҳар қандай ҳодиса, ғоялар келажак авлодларга меҳр ва меҳрлилик орқали етказиб, давр руҳини акс эттиришда, меҳрни етказишни индивидуаллаштиришда, уларнинг руҳий кечинмаларини намоён қилишда, маънавий даражасини кўрсатишда муҳим ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан ижтимоий онгни шакллантиришда меҳр ва меҳрлиликнинг илмий-назарий асосларини, усул ва воситаларини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. - Б. 21.

Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислох қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2020 йил 18 мартдаги ПҚ-4602-сон “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги 132-сон “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илм-фани ва ижтимоий-маънавий кадриятлар тизимида меҳр тушунчаси ва раҳм-шафқат муаммолари Ғарб мутафаккирларидан М. Шелер, А. Адлер, А. Камю, Э. Фромм, И. Гёте²нинг илмий асарларида, шунингдек, меҳр феномени масалалари Л. Каролин, И. Курдие, К. Легге, К. Лаёусларнинг диссертацион тадқиқотларида ўз аксини топган³.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг илмий ҳамжамиятида оилада меҳрни умуминсоний кадриятлар асосида сингдиришнинг назарий жиҳатлари бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бу ўринда аввало, Э. Логунова, М. Краснова, Л. Швачкина, Р. Дружинин каби тадқиқотчиларнинг илмий ишни қайд этиш лозим⁴.

² Шелер М. Сущность и формы симпатии. (Часть А, I-II). // Horizon. Феноменологические исследования. 2017. №2 (12). – Б.303-319; Адлер А. Понять природу человека. – СПб.: Академический проект, 1997. – С.27; Камю А. Посторонний // Камю А. Сочинения в пяти томах. Том 1. – Харьков: Фолио, 1998. -398 с; Фромм Э. Душа человека. – Москва: Республика, 1992. – 140 с.: Гёте И.В. Ғарбу Шарк девони.– Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. – Б.61.

³ Lundquist, Caroline. Impossible and Necessary: The Problem of Luck and the Promise of Kindness. Degree: PhD, Department of Philosophy, 2013, University of Oregon. -346 p.; Kurdieh, I.I. The Influence of Loving-Kindness Meditation on Everyday Experiences of Being Angry: An Empirical Phenomenological Study. (Doctoral Dissertation). (2014). Duquesne University. -188 p.; Legge, K. (2013). Parental self-compassion, attributions of child behaviour and sensitive responding. (Doctoral Dissertation). University of Exeter. 146 p.; Layous KA. Triggering Kindness: Mechanisms and Outcomes. University of California, 2014. –P.74.

⁴ Логунова Е.Г. Феномен милосердия: опыт социально-философского анализа диссертации кандидат наук, Ижевск, 2012. - 146 с.; Краснова М.Н. Социально-духовные ценности и проблемы молодой семьи диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук, Чебоксары, 1999. - 139 с.; Швачкина Л.А. Гуманность в контексте культурных традиций Востока и Запада, диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук, Ростов-на-Дону, 2011, - 268 с.; Дружинин Р.Р. Репрезентации

Мамлакатимиз олимлари Қ. Назаров, А. Хусейнова, Г. Наврўзова, И. Саифназаров, Х. Шайхова, Р. Рўзиева, Ҳ. Саломова⁵ларнинг тадқиқотларида оилада меҳр туйғуси ва уни шакллантириш масалаларининг айрим жиҳатлари ўрганилган. Б. Каримов шахслараро меҳрлилик даражасини тизимли социологик асессментлаш, Н. Султонова дўстлик, меҳр-муҳаббатнинг фалсафий, социал-антропологик хусусиятлари, меҳрни оилада сингдириш масалаларини ўрганган⁶.

Юқорида қайд этилган олимларнинг илмий изланишлари ва тадқиқотларда оилада меҳр туйғуси ва уни шакллантириш масалалари қисман ўрганилганлиги боис оилада меҳрни сингдиришнинг ижтимоий-фалсафий ва аксиологик, онтологик, гносеологик жиҳатларини тадқиқ этиш, уларнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини очиб беришга диққат қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари миллий тадқиқотлар университети Бухоро табиий ресурсларларини бошқариш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг маънавий ахлоқий ва илмий-фалсафий муаммолари” (2018-2020 йй) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оилада меҳрни умуминсоний қадриятлар асосида сингдириш орқали оилавий муносабатларни мустаҳкамлашнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

меҳр тушунчасининг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини аниқлаш ва тадқиқ этиш;

умуминсоний қадриятлар ва меҳр тушунчасининг шаклланиши, улар ўртасидаги диалектик алоқадорликнинг методологик тамойилларини очиб бериш;

оилада меҳрни тарбиялашнинг методологик жиҳатларини илмий асослаш;

милосердия в современной культуре, диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук, Ростов-на-Дону, 2013. -136 с.

⁵ Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. (Аксиология). – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти”, 2004. –185 б.; Хусейнова А. Шарқ мутафаккирлари дунёқарашда умуминсоний қадриятлар. – Тошкент: 2017. –139 б.; Наврўзова Г. Вақтни қадрлаш оила салоҳиятини мустаҳкамлашнинг асоси // Оиланинг тарбиявий таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш масалалари: муаммо ва ечимлар. Республика конференцияси. – Бухоро. 2019. – Б.18.; Саифназаров И., Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила – Ватан таянчи. – Тошкент: “Та’лим nashriyoti”, 2018. – 132 б.; Шайхова Х.О. Маънавият камолот кўзгуси. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2009. - 150 б.; Рўзиева Р. Жамиятнинг маънавий янгиланиши: миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги. Тошкент: - 2011. - 156 б.; Саломова Ҳ.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. Бухоро: Дурдона, 2018. - 168 б.;

⁶ Каримов Б. “Шахслараро меҳрлилик даражасини тизимли социологик асессментлаш орқали оптималлаштириш” мавзусидаги социология фанлари бўйича фан доктори (DSc) илмий даражаси ёзилган дисс...– Тошкент, 2021. – 240 б.; Султонова Н.Э. Дўстлик, меҳр-муҳаббатнинг фалсафий социал-антропологик хусусиятлари. фалсафа фанлари бўйича фал.докт.(PhD) дисс... автореф...–Тошкент, 2019. – 23 б.

оилаларда меҳрни сингдириш борасида кузатилаётган ўзгаришларни илмий таҳлил этиш ва хулосалар чиқариш;

оилавий муносабатларда умуминсоний қадриятлар устуворлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

ёшларга меҳрни умуминсоний қадрият сифатида сингдиришда оила ва жамоатчиликнинг тутган ўрнини асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оилада меҳрни умуминсоний қадриятлар асосида сингдиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари билан боғлиқ муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети оилада меҳрни умуминсоний қадриятлар асосида сингдиришнинг усул ва воситалари аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, ретроспектив, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, диалектик ва синергетик каби илмий билиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

меҳр тушунчасининг фозиллик, ўзгалар ҳақида ғамхўрлик, муҳтожларга мурувват кўрсатиш каби фалсафий-ахлоқий жиҳатлари, сахийлик ва инсонни қадрлаш каби филантропик, назария ва амалиёт бирлигига оид рационал-прагматик, ижтимоий-ахлоқий тарбияга оид халқпарварлик, фазилатларни ривожлантириш ва иллатлардан ҳимояланиш функцияларининг моҳияти очиб берилган;

меҳр тушунчасининг генезисида давлатга садоқат ва табақалар иерархиясига боғлиқлик каби ижтимоий, шахслараро муносабатларда ўзаро аҳиллик, садоқат ва фидоийлик каби фалсафий кўринишлари ҳамда унинг бурчга содиқлик, ақлга мувофиқлик, ҳақиқатпарастлик, бирлашиш, референтлашиш, ўзаро аҳиллик каби гуманистик жиҳатлари очиб берилган;

меҳр тушунчасининг ўзаро мулоқотда ҳалоллик, ҳамфикрлик, хотиржамлик, ишонч каби ижобий руҳий кайфиятни бағишлаши сабабли шахс маънавий-ахлоқий фазилатларининг муҳим омили эканлиги, меҳрнинг табиат, эркинлик, бағрикенглик, тинчлик, маданий мерос, дин каби тушунчалар билан диалектик алоқадорлиги, ижтимоий муносабатларни барқарорлаштиришдаги келишмовчилик ва низоли жараёнларнинг олдини олишга қаратилган ижтимоий-фалсафий аҳамияти асосланган;

оила ҳамда жамиятда меҳр ва меҳрлиликни барқарор қилишда ижобий самарага эришишда умуминсоний, миллий, мафкуравий, синфий, диний, иқтисодий қадриятларнинг диалектик уйғунлигини таъминлашда, инсон қадри, қобиляти, истеъдодини намоён қилиш орқали ижтимоий иммунитетни таъминланиши фалсафий жиҳатдан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илмий-тадқиқот ишида илгари сурилган хулосалар ва таклифлардан олий таълим тизимида ўқитиладиган фанларни ўқитиш ҳамда фан дастурларини такомиллаштиришда фойдаланилган;

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан ўтказилган ўқув машғулоти, никоҳ уйлари ва маҳаллаларда тингловчилар учун ташкил этилган махсус ўқув-тарбиявий курсларнинг маъруза матнларини

тайёрлашда диссертация илмий материаллари назарий асос сифатида хизмат қилган;

“Меҳр улашайлик”, “Меҳр улашинг” мавзусида ташкил этилган танловлар ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида мигрант оилалар болалари учун меҳр ҳамда меҳрлиликни янгича анъана, урф-одат, қадриятларни акс эттирувчи рисолалар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий-фалсафий манбалардан олинганлиги, анализ ва синтез, ретроспектив, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, диалектик ва синергетик таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий оилаларда содир бўлаётган ўзгаришларнинг ёш авлод онгида меҳрнинг миллий ва умуминсоний диалектикасида миллий маданиятнинг таъсирчанлигини ошириш, меҳр муҳитини яратиш орқали бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик руҳини қарор топтириш, миллий таълим–тарбия тизимини такомиллаштиришда меҳрлилик омилларининг аҳамиятини асосланганлиги билан муайян назарий ҳисса қўшиши, янги Ўзбекистон қиёфасини шакллантириш учун оилада меҳрибонлик муҳитини шакллантириш омилига алоҳида эътибор қаратилишини тадқиқ этувчи илмий, назарий–фундаментал тадқиқотлар ва методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унинг натижалари асосида берилган таклифлар ва амалий тавсиялардан меҳр ва меҳрлилик ҳодисасидан унумли фойдаланиш жамият ҳаётида учраб турадиган салбий иллатлар ечимига мос чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилиши, ҳамда олий таълим муассасаларида “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи”, “Фалсафа”, “Касбий маънавият”, “Маънавиятшунослик” фанларидан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар яратишда, “Фалсафа” қомусий луғатини такомиллаштиришда, маънавият ва маърифат ўқув марказларининг ўқув тарбия фаолиятида, телевидение орқали маънавий-маърифий кўрсатув тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оилада меҳрни умуминсоний қадриятлар асосида сингдиришнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

меҳр тушунчасининг фозиллик, ўзгалар ҳақида ғамхўрлик, муҳтожларга мурувват кўрсатиш каби фалсафий-ахлоқий жиҳатлари, сахийлик ва инсонни қадрлаш каби филантропик, назария ва амалиёт бирлигига оид рационал-прагматик, ижтимоий-ахлоқий тарбияга оид халқпарварлик, фазилатларни ривожлантириш ва иллатлардан ҳимояланиш функцияларининг моҳиятига оид хулоса ва янгиликлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг “Никоҳ уйлари ва маҳаллаларда ташкил этилган махсус ўқув-тарбиявий курслар”ида ҳамда “Меҳримиз сизга” аёллар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳуқуқий қўллаб қувватлаш марказининг 66-13/79-сон “Биргаликда камбағалликка барҳам берамиз!” амалий лойиҳасини (2020-2021 йй) амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг 2020 йил 1 июндаги 01-11/292-сон маълумотномаси). Натижада, меҳр тушунчасининг оилаларда шахс маънавий-ахлоқий фазилатларининг муҳим омили эканлиги, ижтимоий муносабатларни барқарорлаштиришдаги аҳамияти бугунги кунда долзарб аҳамият касб этиши асосланган ва умуминсонийлик, инсонпарварлик меҳр ва меҳрлилик ҳодисасидан унумли фойдаланиш жамият ҳаётида учраб турадиган салбий иллатларга ечим эканлиги сингдирилган;

меҳр тушунчасининг генезисида давлатга садоқат ва табақалар иерархиясига боғлиқлик каби ижтимоий, шахслараро муносабатларда ўзаро аҳиллик, садоқат ва фидоийлик каби фалсафий кўринишлари ҳамда унинг бурчга содиқлик, ақлга мувофиқлик, ҳақиқатпарастлик, бирлашиш, референтлашиш, ўзаро аҳиллик каби гуманистик жиҳатларига оид янгилик ва амалий натижалардан “Фалсафа”, “Диншунослик”, “Фуқаролик жамияти” каби фанларнинг ўқув дастурларини мазмунан такомиллаштириш ҳамда “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, “Истиқболли авлод” ижтимоий-ахборот марказининг ўқув тренинглари материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 89-03-3816-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим тизимида ўқитиладиган фан дастурларининг мазмунан бойиши, ўқитиш сифатининг ошишига, ёшларнинг оилада меҳр-муруват кўрсатиш, бир-бирига меҳрли бўлишлари учун методик ёрдам сифатида хизмат қилган;

меҳр тушунчасининг ўзаро мулоқотда ҳалоллик, ҳамфикрлик, хотиржамлик, ишонч каби ижобий руҳий кайфиятни бағишлаши сабабли шахс маънавий-ахлоқий фазилатларининг муҳим омили эканлиги, меҳрнинг табиат, эркинлик, бағрикенглик, тинчлик, маданий мерос, дин каби тушунчалар билан диалектик алоқадорлиги, ижтимоий муносабатларни барқарорлаштиришдаги келишмовчилик ва низоли жараёнларнинг олдини олишга қаратилган ижтимоий-фалсафий аҳамиятига оид хулоса ва натижаларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил иш режасидаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” вазифалар ижросига қаратилган маънавий маърифий тарғибот тадбирлари дастури сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 28 октябрдаги 02/07-917-сон маълумотномаси). Натижада кенг халқ оммасига олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ижросини

таъминлаш, маърифий тарғибот тадбирларининг сермазмунлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

оила ҳамда жамиятда меҳр ва меҳрлиликни барқарор қилиш аниқ, позитив, ижобий самарага эришишда, умуминсоний, миллий, мафкуравий, синфий, диний, иқтисодий кадриятларнинг диалектик уйғунлигини таъминлашда, инсон қадр, қобилияти, истеъдодини намоён қилиш орқали ижтимоий иммунитетни таъминланишига оид илмий хулосалар ва натижалардан Бухоро вилояти телерадиокомпанияси дастурларида эфирга узатилган “Муносабат”, “Ассалом Бухоро”, “Қадриятлар қадим бешиги” кўрсатувлари дастур сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 8 июндаги 1/140-сон маълумотномаси). Натижада телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларнинг илмий-оммабоплигини таъминлашга, томошабинларда меҳр ва меҳрсизлик тушунчаларининг ижтимоий оқибатлари, авлодлар ворисийлигини сақлашда меҳр муносабатларининг таъсири, миллий маънавиятни юксалтириш ва оилага бўлган меҳр-муҳаббатни кучайтиришга хизмат қилган..

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та жумладан, 7 та халқаро ва 4 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, (жумладан, 3 та республика, 1 та хорижий журналда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Меҳрни умуминсоний кадриятлар асосида сингдириш муаммосини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида меҳр тушунчасининг фалсафий таҳлили, умуминсоний кадриятлар ва меҳрнинг шаклланиши ўртасидаги диалектик алоқадорлик билан боғлиқ жиҳатлар таҳлил этилган.

Тадқиқотчининг фикрича инсонийлик негизларидан бирини айнан “меҳр” тушунчаси ташкил этади. Бу мураккаб ахлоқий тушунча ҳисобланиб, жамиятда қарор топган комплекс ижтимоий муносабатлар ҳосиласидир. Меҳрнинг мазмун-моҳиятини илмий таҳлил этиш кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал этишда прогрессив аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам унга инсониятнинг барча гуманист мутафаккирлари алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Меҳр ирк, миллат ва эътиқод танламайдиган умуминсоний моҳият касб этувчи феноменал қадрият ҳисобланади.

Инсон ва унинг бахт-саодати, камолоти ҳақида Шарқнинг буюк файласуфи Абу Наср Форобий “Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир”⁷, - деб ёзади. Диссертантнинг фикрича инсонийлик негизда айнан “меҳр” тушунчаси ётадики, уни атрофлича тадқиқ этиш бугунги замонда муҳим амалий аҳамиятга касб этади. Меҳрнинг мазмунини аниқлаштирамасдан туриб, амалий жиҳатлари ҳақида гапириш мушкул. Ҳатто, бугунги меҳрсизлик туфайли содир этилаётган ғайриинсоний ҳагги-ҳаракатлар, турли шаклдаги жиноятлар ҳам унинг мазмунини турлича, айрим ҳолларда қарама-қарши тушуниш сабабли, десак, хато бўлмайди. Шундай экан, диссертант меҳрнинг мазмунини фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, шу асосда ижтимоий ҳаёт учун тегишли амалий тақлиф-тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Диссертацияда “меҳр” (форсча севги, муҳаббат, мойиллик) инсоннинг ўз туғишганларига, яқин кишиларига ва умуман, одамга, нарсага бўлган самимий муҳаббати; яхши кўриш туйғусини, шунингдек, шафқат, раҳмдиллик маъноларини англатади, - деб келтирилади⁸. Меҳр ўз моҳиятига кўра, ахлоқий тушунча бўлиб, муҳаббатга нисбатан жамоавий бирликни таъминлашдаги ўзаро алоқаларнинг мураккаб қисмини англатади. Чунки, меҳр шахснинг ўзгаларга беғараз ёрдамини, ўзгалар ғам-ташвишига ҳамдардлигини англатади. Меҳр ижтимоий бирдамлик ифодаси сифатида кишилик жамияти учун зарурлиги илмий асосланган.

“Меҳр” холис, таъмасиз яхши кўриш, муҳаббат, севгининг теранлашган шаклини ифодаловчи тушунчадир. Меҳр инсон маънавий тараққиёти давомида шаклланган ахлоқий фазилат бўлиб, индивидуаллик хусусиятига эгадир. Меҳр кишилар шахсий, оилавий ҳамда этник бирлигини, мақсад ва манфаатларини амалга оширишда эзгулик йўлидаги ижтимоий муносабатидир⁹, - деган таъриф берилган. Тадқиқотчининг ёндашувига кўра инсон томонидан кўрсатилаётган муносабат фақат холис бўлсагина ҳақиқий меҳрни англатади. Масалан онанинг болага бўлган меҳри холис, шунинг учун ҳам бу меҳрни бошқа муносабатлар билан қиёслаб бўлмайди. Диссертант таъкидлашча дунёда онанинг фарзандига берадиган меҳри энг юксак меҳр деб эътироф этилиши фалсафий жиҳатдан асосланган.

⁷ Фаробий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр, 1993. – Б.186.

⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 2006-2008. -Б.587-588.

⁹ Назаров Қ.Н.. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1-китоб. - Тошкент: “Маънавият”, 2019. - Б. 792.

“Меҳр” – инсонлараро муносабатларда намоён бўладиган рухий-маънавий жараён бўлиб, шахснинг бошқаларга нисбатан анланган эмпатик муносабатини ифодалайди¹⁰. Меҳр атамаси турли тилларда турлича мазмунга эга бўлса-да, моҳиятан бир-бирини тўлдиради. Бугунги кунда ўзбек тилида ишлатилаётган “меҳр” сўзи форс-тожик тилидан ўзлашган бўлиб, “хайрихоҳлик”, “қайғуриш”, “рахм-шафқатлилик”, “қуёш” маъноларини англатади. Меҳр сўзининг қуёшга нисбат берилиши қиёслаш асосида жуда кенг маъно имкониятларини вужудга келтириши билан ўзбек тилида бу тушунчани бой тасаввур қилишга кўмаклашади.

Диссертантнинг фикрича “меҳр” туйғусини даврийлаштириш унчалик ҳам тўғри эмас, чунки, у инсон яратилганидан буён унинг табиатига хос хислатдир. Абу Наср Форобий меҳр деганда фозил одамларга хосликни тушунса, Абу Райҳон Беруний назарида инсоннинг олий фазилати ўзгалар ҳақида ғамхўрлик, айниқса, камбағалларга меҳр-мурувват кўрсатишида намоён бўлади. Абу Али Ибн Синонинг таъкидлашича, барчани бир хил ижтимоий мавқега, ижтимоий неъматлардан баҳраманд бўлишга эриштириш имконсиздир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон ўзгаларга меҳр-мурувватли, ғамхўр бўлмоғи, керакли вақтда кўмак бериши ва саховат қўлини ночорларга узатиши зарурдир.

Тадқиқот ишида “меҳр-фалсафий-ахлоқий категория бўлиб, инсоннинг борлиққа нисбатан энг самимий ва юксак туйғуси сифатида иррационал, шу билан бирга, ақл қарори билан қабул қилинадиган рационал муносабат ҳисобланади” – деб таъриф берилган. Шунингдек, меҳр индивидуал, оилавий, этник бирлигини, мақсад ҳамда манфаатларни амалга оширишда эзгулик йўлидаги ижтимоий муносабат эканлиги диссертант томонидан таъкидланади.

Боланинг ижтимоий фаоллигини шакллантиришга халақит берувчи тўсиқлардан бири - бу унинг оиласида меҳрнинг йўқлиги ёки танқислигидир. Бу эса боланинг табиатида бемеҳрликни, бошқа одамларга нисбатан кўполликни пайдо бўлишига олиб келади. Бундай болалар ўз ҳиссиётларини юзага чиқаришга кўрқадиладар чунки, уларнинг назарида бошқаларга меҳр кўрсатиш кулгили кўриниши мумкин. Улар ўз табиий меҳрибончиликларига қарши курашар эканлар, худди душманга қарши курашгандай бўлади, ўз оиласида меҳр-муҳаббат, эътибор ва ишонч каби ҳис-туйғуларни кўрган инсонгина бошқа одамларга эътиборли ва меҳрибон бўлиши тадқиқот ишида ижтимоий-фалсафий жиҳатдан асослаб берилган.

Диссертацияда ижтимоий-фалсафий таълимотларда инсон руҳиятидаги меҳр-муҳаббат туйғусининг таҳлили берилган. Меҳр бир неча турга ажратилган:

1. Ота-онанинг фарзандига бўлган меҳри. Бу ҳис-туйғу манфаатдорликдан холис бўлиб, беғараздир.

¹⁰Каримов Б.Ш. Шахслараро меҳрлилик даражасини тизимли социологик ассесментлаш орқали оптималлаштириш // Социология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси. – Тошкент: 2021. – Б. 212.

2. Эркак ва аёлнинг бир-бирига бўлган меҳри. Бу меҳр ўткинчи деб бўлиб, бунда ҳирсий интилишлар катта аҳамиятга эга.

3. Худога бўлган муҳаббат. Бу муҳаббат диндорларга хос деб ҳисобланади. У оналик меҳрига ўхшайди¹¹.

Диссертант ота меҳридан она меҳрини ажратиш лозимлигини таъкидлайди. Ота ўз фарзандларига бир хилда муносабатда бўлмайди. У кўпинча ўзига ўхшашроқ итоаткор фарзандига муҳаббатини беради. Она меҳрини эса куёш нурига ўхшатади. У барча фарзандларига баробардир. Куёш Еру кўкни қандай иситса, ҳаёт ато этса, она ҳам барча болаларидан бир хилда илиқ оналик меҳрини аямайди. Ота меҳри ойдек равшан, лекин совуқ бўлса, она меҳри куёшдек иссиқ ва ҳаётбахшдир. Оналик меҳрига яна беғаразлик хосдир. Она фарзандларини қайси бири кўпроқ моддий фойда келтиргани учун эмас, балки ҳар бир боласини барча камчиликлари билан яхши кўради, - деб ҳисоблайди.

Диссертацияда меҳр категориясининг ижтимоий-фалсафий таҳлили аввало, гносеологик жиҳатлар, яъни унинг табиатини акс эттирувчи сифатлар, намоён бўлиш шакллари ва функцияларини бошқа яқин тушунчалар билан қиёслаган ҳолда ўрганиш, шунингдек, праксиологик жиҳатлари, яъни шаклланиш босқичлари, омиллари ва воситаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Тадқиқотчи “меҳр”га фазилат сифатида қараб, уни ўзаро яқинлик, эътибор ва ғамхўрлик туйғулари билан қўллаб-қувватлаш сифатлари етишмайдиган – меҳрсизлик ҳамда бу сифатлар ҳаддан ошган меҳрибонлик ўртасидаги ҳолат сифатида тушунилса, муболаға бўлмайди, - деб таъкидлайди ва меҳрнинг асосий хусусиятларини қуйидагича белгилайди:

- мавжудлик ва камолотни кўзловчи эътиборлилик;
- ихтиёрий ва оқилона ғамхўрлик;
- ижтимоий бир бутунликни сақлаб қолувчи ва мустаҳкамловчи альтруистик бағрикенгликдир.

Диссертацияда меҳрнинг турли, меҳр-шафқат (зидди – қаҳр); меҳр-оқибат (зидди – бегоналик); меҳр-мурувват (зидди – совуққонлик); меҳр-муҳаббат (зидди – лоқайдлик, бефарқлик) сингари шаклларда намоён бўлиши изоҳлаб берилган. Жамиятни модернизациялаш жараёнида меҳр миллатни озод ва обод Ватан, фаровон ҳаёт қуришда ўзаро бирлашув, ўзгалар ороми учун ўз оромидан кечиш, инсоннинг давлат ва жамият муносабатларида турли миллат ва динга мансуб кишилар билан бунёдкорлик ишида ўзгаларга фойда келтириш қобиляти, инсонга хос барқарор туйғу эканлиги, шахснинг келажак авлодлар бахт-саодати йўлидаги беғараз фаол ҳаракати эканлиги илмий асосланган. Меҳр бўйича илмий қарашларнинг таҳлили унинг жамиятда қуйидаги вазифаларни бажаришида намоён бўлишини кўриш мумкин:

- ҳаётни асраш вазифаси;

¹¹ Фромм Э. Душа человека. – Москва: Республика, 1992. – С. 134.

- филантропик вазифа;
- эстетик вазифа;
- рационал-прагматик вазифа;
- ижод вазифаси;
- трансцендентни излаш вазифаси;
- ижтимоий-ахлоқий тарбия вазифаси¹².

Меҳр, кишининг ижтимоийлашув имкониятларини кенгайтириб, яратувчанлик майлини уйғотишда, мустақил шахс сифатида шаклланишида муҳим ижтимоий-психологик замин ҳозирлаши ижтимоий таҳлиллар асосида кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг **“Оилада меҳрни шакллантириш тажрибаси ва унинг глобаллашув шароитидаги трансформацияси”** деб номланган иккинчи бобида оилада меҳрни тарбиялашнинг методологик жиҳатлари, меҳрни сингдириш борасида кузатилаётган ўзгаришлар, авлодлар давомийлиги, қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналар, халқимиз маънавий меросининг авлоддан авлодга ўтишини таъминловчи муҳим ижтимоий институт сифатидаги ўрни асослаб берилган. Мазкур бобда меҳр шахс иродаси, оила мустаҳкамлиги ва жамият барқарорлигининг асоси эканлигини, халқнинг, миллатнинг, шахснинг теран тафаккури, чуқур фалсафаси асосида шаклланишини тадқиқ этган. Кўникма, урф-одат, меҳнат асосида меҳрнинг мустаҳкамланиши, меҳрга муҳтожлик шахсни заифлаштириши, меҳрлилик шахснинг кучли томони ҳисобланиши, бугунги кунда жамият барқарорлигини таъминлаш, инсонлараро муносабатларни самарали ташкил этишда меҳр омилининг ўрни илмий асосланган.

Диссертацияда Янги Ўзбекистон шароитида оилада меҳрни мустаҳкамлаш, глобаллашув жараёнида шахснинг барқарорлигини таъминлаш, меҳрнинг рационал ва иррационал имкониятларини кенг намоён қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва инсоннинг жамиятда тўлақонли шахс бўлиб шаклланишида ота-онанинг ўрни муҳим аҳамиятга эгаллиги алоҳида қайд этилади. “Оила – бу меҳр ва бахт кўрғони. Оила бор экан, фарзанд деган бебаҳо неъмат бор, инсоний қадр-қиммат ва маънавият бор. Оилавий бахт бу – энг улуғ саодатдир”¹³. Боланинг гўдаклигидан эркин униб, ўсиши, ўзини хотиржам ҳолда тутиши бевосита оилада, она бағрида меҳрдан қониқиши билан боғлиқ. Она унинг ҳаётида биринчи мулоқотдаги шахс ҳисобланади. Боланинг бундай мулоқотдан ўзаро ҳамжиҳатликни ҳис қилиши унинг бошқа инсонлар билан бевосита мулоқотга кириб боришида алоҳида ўрин эгаллаши, боланинг она меҳридан қониқиши ёки қониқмасдан улғайиши унинг келгуси ҳаётига таъсир қилмай қолмаслиги, она меҳри инсон борлигининг умумий моҳиятини таъминловчи куч эканлиги асослаб берилган.

¹² Султонова Н.Э. Дўстлик, меҳр-муҳаббатнинг фалсафий социал-антропологик хусусиятлари // Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Тошкент: 2019. –Б. 20-21.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 7 март, № 48 (7828).

Меҳр нафақат иррационал, балки меҳнат, иш, хизмат маҳсули сифатида рационал асосларга ҳам эга. Меҳр шунчаки эътибор эмас, балки жуда захматли меҳнат маҳсули ҳисобланиб, объект томонидан субъектга нисбатан ажралмас ришта ҳосил қилади. Ҳар бир инсон ўзи ва ўзгаларга яхшилик қилиши ва жамият ривожига муносиб фойда келтириши зарурлиги фалсафий жиҳатдан изоҳланган. “Қадриятшунослик аксиологик онг, кадрлаш туйғуси, аксиологик билиш, қадриятли ёндашув ва бошқалар асосида тўпланган қадриятлар тўғрисидаги билимлар системасидир”¹⁴. Демак, меҳр ижтимоий аҳамиятга эга экан тажриба, малака, кўникма касб этиб боради. Тажриба, малака ёки кўникма қанчалар юқори бўлса, меҳрни намоён қилиш имконияти ҳам, англаш даражаси ҳам юксалиб бориши тадқиқотчи томонидан диссертацияда алоҳида изоҳланган.

Тадқиқотчи томонидан ўзбек оилаларида меҳрни сингдириш борасида кузатилаётган ўзгаришларнинг ўзига хос аҳамияти, мустақиллик, айниқса Янги Ўзбекистон шароитида қадрият ва анъаналар асосида инсонпарварлик ғояларининг юксалаётганлиги, миллий ўзликни англаш, жамиятда инсон омилининг олдинга қўйилиши, эркин ва фаровон ҳаётда муносиб яшаш, “инсон-жамият-давлат” концепциясининг илгари сурилиши биргина меҳр билан боғлиқ эканлигини англаш қийин эмаслиги, дунё ҳамжамияти томонидан давлатимизда олиб борилаётган “ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” тамойилининг баҳоланганлиги, унинг умуминсоний аҳамиятга эга эканлиги диссертацияда асослаб берилган.

Диссертацияда меҳр тушунчаси қадрият сифатида тадқиқ этилар экан, қадрсизланишнинг шахсий даражада намоён бўлиши индивидуал тарзда кечишини кўриш мумкинлиги изоҳланади. Бу жараён инсон умрининг бирор даврига тааллуқли бўлиши ҳам мумкин. Умумижтимоий даражадаги қадрсизланиш эса бутун жамиятда, ёки унинг тузилишида муҳим аҳамият касб этадиган қисмларида намоён бўлади. Бундай шароитда умумжамият миқёсидаги баъзи қадриятлар омма ёки кишиларнинг аксарияти учун қадрсизланиб боради¹⁵. Меҳрни аксиологик ҳодиса сифатида, жумладан, қадрият тизимларини системалилик принципи нуқтаи назаридан талқин қилишда қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор берилади:

